O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
TOSHKENT VILOYATI
OHANGARON SHAHAR
HOKIMI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
ТАШКЕНТСКАЯ ОБЛАСТЬ
ХОКИМ
ГОРОДА АХАНГАРАНА

Q A R O R
Р Е Ш Е Н И Е

"16" 01 2019 y. 14 - son Ohangaron sh.

Шаҳар ҳудудидаги транспорт воситаларининг 2019 йилда мажбурий техник кўригини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Йўл ҳаракати тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги «Транспорт воситаларини мажбурий техникдан ўтказиш тўғрисидаги Низомини тасдиқлаш хақида»ги 54-сон қарори ижросини таъминлаш ҳамда шаҳар ҳудудидаги транспорт воситаларини мажбурий техник кўригини ташкил этиш ва ўтказиш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Шаҳар Ички ишлар бўлимининг Йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси шаҳар ҳудудидаги транспорт воситаларини мажбурий йиллик техник кўрикдан ўтказиш ишларини ташкиллаштирсин.

2. Транспорт воситалари қуйидаги даврийликка мувофиқ техник кўрикдан ўтқазилиши белгилансин:

а) тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланиладиган енгил автомобиллар, автобуслар ва ўтирадиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган автомобиллар (ҳайдовчиларнинг ўрнидан ташқари), автомобиллар, одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва ҳавфли юкларни ташиш учун мўлжалланган махсус транспорт воситалари ва уларга тиркамалар - 1 йилда икки марта;

б) ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан кўп бўлмаган (ишлаб чиқарилган йили хам шу жумлага киради.) (мазкур бандининг «а» кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) икки йилда бир марта;

в) ишлаб чиқарилган йилини хисобга олиб, ишлаб чиқарилганлигига беш йилдан ортиқ бўлган транспорт воситалари, шунингдек ишлаб чиқарилган вақти аниқланмаган транспорт воситалари (мазкур банднинг «а» кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари)бир йилда бир марта;

г) тиркамалар кўрикка транспорт воситаси шатакчиси учун белгиланган муддатларда тақдим этилади;

3. Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматида рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб улардан фойдаланишнинг биринчи йили мобайнида транспорт воситалари техник кўрикдан ўтказилмайди мазкур бандининг «а» кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари).

4. Мазкур қарорнинг 2-банди “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларининг техник кўриги:

Биринчи марта 1 март - 30 июнда;

Иккинчи марта 1 сентябр - 31 октябрда ўтказилади;

Юридик шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 март - 30 июнда ўтказилади;

Жисмоний шахсларга қарашли бўлган транспорт воситаларининг техник кўриги 1 январ - 31 августда ўтказилади.

5. Корхона, ташкилот ва муассасалардаги автотранспорт воситаларни 2019 йилги мажбурий техник кўрикдан ўтказиш бўйича комиссия таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Корхона, ташкилот ва муассасалардаги автотранспорт воситаларни 2019 йилги мажбурий техник кўрикдан ўтказиш жадвали 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

7. Техник кўрикдан ўтказиш жадвалига транспорт воситалари рўйхатга олинган юридик ва жисмоний шахслар, уларга тегишли транспорт воситалари сони ва мажбурий техник кўрик ўтказиш муддати киритилсин.

8. Шаҳар ҳокими ўринбосари (С.Юсупов) ва Тошкент вилояти ҳокимлигининг йўловчи ташиш транспортининг барча турлари ҳаракатини лицензиялаш ва мувофиқлаштириш департаменти Оҳангарон шаҳар вакили (М.Абдиев)га:

2019 йилнинг 25 февраль кунига қадар йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш комиссиялари билан ҳамкорликда, юридик шахслар раҳбарларини жалб этган холда транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикка тайёрлаш ва уни ўтказиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларни амалга оширилиши устидан назорат ўрнатсин;

транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси, мудофаа ишлари бўйича бўлинмаси ва юридик шахсларнинг муҳандис техник ходимларидан иборат ишчи гуруҳлар тузсин;

йўл харакати хавфсизлиги бўлинмаси фаолияти тугатилган юридик шахслар таасарруфида бўлган транспорт воситалари, тиркамалар, ярим тиркамаларни аниқлаш ва уларни ўрнатилган тартибда хисобдан чиқариш чораларини кўрсин;

йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси хамда Ички Ишлар бўлимининг бошқа хизмат ходимлари ва кенг жамоатчилик вакиллари билан хамкорликда жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган автомототранспорт воситаларининг тўлиқ мажбурий техник кўрикдан ўтказилишини таъминласин;

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 28 февралдаги 294-сон «Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 ноябрдаги 482-сон «Ўзбекистон Республикасида Автомобиль транспортида йўловчилар ва багаж ташиш қоидаларини ҳамда автобусларда йўловчилар ташиш хавфсизлигини таъминлашга доир талабларини тасдиқлаш хақида» Қарорлари ижросини таъминлаш йўловчиларга самарали транспорт хизмати кўрсатиш ва уларнинг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида, шаҳардаги барча тижорат асосида йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар тасарруфидаги, ишлаб чиқарилган йили 2008 йилгача бўлган автобус ва кичик автобусларининг Оҳангарон шаҳарида мавжуд бўлган ишлаб чиқарилган йилидан қатъий назар барча турдаги автобус ва кичик автобусларнинг мажбурий техник кўриги Олмалиқ шаҳридаги 1-сонли Диагностика тармоғида ўтказилиши ташкиллаштирилсин.

10. Шаҳар ички ишлар бўлимининг тегишли хизматлари, жамоатчилик вакиллари билан ҳамкорликда жисмоний ва юридик шахсларга қарашли бўлган автомототранспорт воситаларини тўлиқ техник кўрикдан ўтказилишини таъминласин.

11. Транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш жадвали асосида автобус ва кичик автобусларни мажбурий техник кўрикка тайёрлаш ва тақдим этиш юридик шахслар раҳбарлари ҳамда жисмоний шахслар томонидан амалга оширилсин.

12. Ўрнатилган тартибда мажбурий техник кўрикдан ўтмаган автобус ва кичик автобуслардан фойдаланиш тақиқлансин.

13. Мулкчилик шаклидан қатъий назар корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарлари мажбурий техник кўрик бошланишидан камида 10 кун олдин туманлараро рўйхатлаш ва имтихон олиш бўлинмаларига (РИБ, ТРИБ) улардаги мавжуд транспорт воситалари ҳақидаги далолатномани тақкослаш учун тақдим этсинлар ва уларга техник кўрик учун белгиланган тўловларни ўз вақтида тўлашни таъминлаш лозимлигини кўрсатиб ўтилсин.

14. Шаҳар «Агросуғурта» Давлат акциядорлик суғурта компаниясининг Оҳангарон шаҳар бўлимига:

йўл ҳаракати хавфсизлиги бўлинмаси билан хамкорликда мажбурий транспорт воситасини суғурта тўловларини ундириш чораларини кўриш тавсия этилсин.

15. «Оҳангарон ҳаёти - Жизнь Ахангарана» газетаси таҳририятига:

қарор ижросини тўлиқ таъминлаш ва кенг оммага етказиш мақсадида ушбу қарорни «Оҳангарон ҳаёти - Жизнь Ахангарана » газетасида расман чоп этсин ва шаҳар ҳокимлигининг расмий нашри орқали транспорт воситаларини мажбурий техник кўрикдан ўтказиш тартиби ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасидаги мақсадли тадбирлар тарғиб қилиб бориш тавсия этилсин.

16. Мазкур қарор расман эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

17. Шаҳар ҳокимининг 2018 йил 12 мартдаги 178-сонли «Шаҳар худудидаги транспорт воситаларининг мажбурий техник кўригини ташкил этиш ва уни ўтказиш ҳақида» қарори ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

18. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари, комиссия раиси С.Юсупов зиммасига юклатилсин.

Шаҳар ҳокими **О.Жўраев**

Охангарон шахар Хокимининг
2019 йил " " _____
№ _____-сонли қарорига

1-илова

Охангарон шахар хўжалик, корхона ва ташкилотлардаги автотранспорт воситаларини 2019 йилги мажбурий техник кўригидан ўтказувчи комиссияси

ТАРКИБИ

Комиссия раиси: С.Юсупов - туман хокими ўринбосари

Комиссия раиси ўринбосари: А.Усмонов – шахар ИИБ ЙҲХБ бошлиғи

АЪЗОЛАРИ

1. УСТК "Ватанпарвар" жамияти аъзоси З.Хамракулов
2. "Охангаронцемент" ОАЖ мухандиси К.Нурмухамедов
3. Шахар Мудофаа булими ходими З.Маматова